



## **ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИГА НИСБАТАН ЭКОЛОГИК ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Х.Э.Исмаилов**

*ТошДАУ академик лицейи*

*педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Мақолада ўсимликларни моддий ва маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириши умумий ижтимоий ривожланишинг манфаатларидан келиб чиқиб, «табиат-жамият-инсон» мажмуасида уларнинг мутаносиблигини таъминловчи тарихий асос сифатида намоён бўлиши баён қилинган. Ўқувчиларда табиатга ва ундаги ўсимликларга бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлашга, ижод қилишига ва изланишига имкон беради.

**Калит сўзлар:** Муҳофаза, ўсимликлар, экология, экосан, табиат ва жамият, техника, технология, табиий мерос, мустақил фикр, ижод қилиши, турлар.

**Абстрактный:** В статье раскрыта суть необходимости использования инновационных методов преподавания для улучшения восприятия тем курса «Система растительностей» для академических лицеев.

Создать кластеры на младшие типы семейства паслёновых, создать возможность мыслить самостоятельно, уметь творчески подходить к процессу и не дать отвлекаться от занятий.

**Ключевые слова:** Академический лицей, ботаника, система растительностей, педагогика, паслёновые, младшие семейства, самостоятельное мышление, творчество, типы.

**Resume:** The article reveals the essence of the need to use innovative teaching methods to improve the perception of the course "plant systems" for academic lyceums.

Create clusters on the lower types of the family Salicaceae, to create an opportunity to think for themselves, to be able to creatively approach to the process and not to be distracted from training.

**Key words:** Academic lyceum, botany, plant systems, education, Salicaceae, younger family, independent thinking, creative types.

Инсон хаётини ўсимликлар оламисиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам табиатни ва ундаги ўсимликларни муҳофаза қилиш, унинг мусаффолигини сақлаш инсониятнинг муқаддас бурчидир. Бизни қуршаб турган сув, хаво, тупроқ, ўсимликлар оламининг ҳозирги аҳволи, атроф-муҳит ифлосланиб қолишининг олдини олиш.

Ўсимликларни муҳофаза қилиш чораларини қўриш ҳам ҳар бир кишининг муҳим вазифаларидан биридир. «Табиат ва жамият» мажмуасининг ички мутаносиблиги, биосфера мувозанати инсоннинг табиатга нисбатан ижтимоий экологик муносабатларини шакллантириб, конкрет ахлоқий-маданий мазмунга эга бўлиши мумкин. Экологик маданият инсониятнинг тарихий ривожланиш жараёнида табиатни



ва ундаги ўсимликларни муҳофаза қилишга қаратилган назарий-илмий ғояларнинг мажмуаси бўлмасдан, маълум жамиятда яшаётган шахсларнинг руҳий холатлари, ҳиссиётлари, кайфиятлари ва интилишларини ҳам қамраб олиб, турли даражадаги ижтимоий онг шаклларининг экология мақсад-манфаатлари доирасида муштараклигини ифодалайди. Бунда «Ҳиссиёт инсоннинг табиий борлиғи факти бўлмасдан, балки инсон фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини меҳнат жараёнида ўсимликларни ўз манфаатлари асосида ўзгартиришидир». Инсонлар дастлаб ўз ижтимоий фаолиятларини ўсимликларга соғ назарий муносабат сифатида бошлаган эмас. Ҳар қандай тирик мавжудот каби ейиш, ичишдан иборат табиий-биологик эҳтиёжларини қондиришдан бошлаган ва қандайдир мавҳум, бемақсад фаолиятда бўлмаганлар, аксинча, табиатдаги ўсимликларни меҳнат қуроллари билан ўзгартириб, ўз эҳтиёжини қондирганлар, ижтимоий фаолиятини ташкил қилганлар. Шунга кўра, жамият ривожланишига асос

қилиб олинган бази инсоннинг табиатни ўзлаштириш учун ўзгартиришдан иборат ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуасидир. Лекин бундай ҳолда инсоннинг нисбатан мустақиллиги табиатга ва ундаги ўсимликларга амалий

муносабатининг ривожланиши натижаси эмас. Шу билан биргалиқда «соғ» назарий фаолиятни ҳам тақозо қиласи, чунки инсоннинг ижтимоий моҳияти амалий ва назарий фаолиятларнинг диалектик бирлигига намоён бўлади. Албатта, экологик муносабатлар экологик онгда ўз ифодасини топади, лекин экологик муносабатларни ажратиб олиб, мавҳум тарзда экологик онгнинг асосини қўйиш ярамайди.(1).

3. Абдуллайев ўз тадқиқотларида экологик онгга экологик ижтимоий муносабатларнинг инъикоси сифатида баҳо беради. Дарҳақиқат, экологик онгнинг даражалари экологик муносабатларнинг ривожланиш хусусиятларига мос келади. Лекин ўз навбатида экологик муносабатлар ҳам экологик онгнинг «моддийлашуви жараёнидир, бу бир томондан. Иккинчи

томондан, экологик онг экологик муносабатларнинг объектив ва субъектив мавжудлик шарт-шароитларини ҳам акс эттиради. Шунинг учун экологик онг, экологик муносабат боғланишларини сабаб-оқибат тарзида қараш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари экологик онгнинг ривожланиши экологик муносабатнинг пассив инъикоси бўлмасдан, балки шу муносабатларни характерловчи манбага, механизмга боғлиқ, яъни экологик эҳтиёжларга бориб тақалади. Бунда экологик муносабатлар экологик эҳтиёжларни қондиришнинг технологик жараёни сифатида қаралмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай сабаб бошланғич сабаб эмас, аксинча, ҳодисадир, яъни меҳнат, техника, технология, фан, маданият билан боғлиқ экологик эҳтиёжларга бориб тақалади. Бунда экологик муносабатлар экологик эҳтиёжларни қондиришнинг технологик жараёни сифатида қаралмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай сабаб бошланғич сабаб эмас, аксинча ҳодисадир, яъни меҳнат, техника, технология, фан, маданият билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий муносабатлар инсон эҳтиёжларини қондириш восита ва усулларини ташкил қиласи. Зоро, табиатга ва ундаги



ўсимликларга амалий ва назарий муносабатлар мажмуаси маънавий фаолиятнинг ҳамма йўналишлари билан диалектик боғланган жараённи ташкил қилади. (2).

Фуқароларнинг ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ошириш масаласи долзарб муаммолардан биридир. Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданияти умуминсоний қадриятларнинг маҳсус намоён бўлиши сифатида табиатга муносабатларнинг янги йўналишларини вужудга келтиради.

Табиатни экологик маданият нуқтаи назаридан ўзлаштириш ҳиссиётининг, тафаккурининг ахлоқий қадриятларнинг мазмунини белгилайдиган мезонга айланади. Айни пайтда ўсимликлардаги инқизоз ва ҳалокат олдини олишнинг тарихий зарурияти бу қарашларни назарий онг даражасига кўтарди. Айниқса, табиатга антропоген ва техноген таъсирнинг кучайиши билан ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантиришнинг объектив зарурияти пишиб етилди. Ҳар қандай тарихий давр ривожланишининг ички ҳаракатлантирувчи механизми табиат ва жамият ўртасидаги зиддиятларга боғлиқ бўлган. Бу зиддиятларнинг ҳал қилиш воситалари ижтимоий онгнинг турли шакллари, хусусан, ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятининг ривожланишида ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиатга ва ундаги ўсимликларга экологик маданий муносабат стихияли тарзда вужудга келадиган ҳодиса эмас. Инсоннинг табиатга ва ундаги ўсимликларга нисбатан моддий муносабати маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида инсонни ўраб турган ижтимоий-маданий муҳит таъсиридаги экологик мероснинг тарихий ривожланиш жараёни натижасидир.

Ўсимликларни моддий ва маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш умумий ижтимоий ривожланишининг манфаатларидан келиб чиқиб, «табиат-жамият-инсон» мажмуасида уларнинг мутаносиблигини таъминловчи тарихий асос сифатида намоён боғлади.

Умуман, маданият тарихининг маънавий, моддий мероси ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожланишига асос бўлган. Шунинг учун ҳам умумий маданият тарихини экологик манфаатлар доирасида ижодий, танқидий ўрганиш экологик маданият йўналишларни методологик асоси бўлиб ҳисобланади. (3).

Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини шакллантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири фақат ўтмишнинг муштарақлашган экологик назарияларини, амалиётни ҳозирги давр нуқтаи назаридан баҳолашга, ундан тегишли хулосалар чиқаришга ўрганишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Шунинг учун ҳам ҳозирги тарихий шароитда ўтмишнинг назария даражасига кўтарилимаган оддий урф-одатлари, анъаналарини рағбатлантирувчи ёки тақиқловчи мотивларини, уларни такомиллашиб, ҳозирги қўринишга айланиш қонуниятларини ўрганиш ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда ўсимликларни маданий меросини билиш ва ижодий ўзгаришни муносабатнинг маҳсус шакли сифатида фарқ қилиш методологик жиҳатдан зарур. Бир томондан, табиий меросни ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлар доирасида баҳолаш экологик қадриятлардан ташқарида мустақил бўлиши мумкин эмас. Иккинчи



томондан, бу манфаатлар экологик моддий ва маънавий меросни ривожлантириш эҳтиёжи билан боғлиқ ва унинг мавжудлигини таъминловчи мотиви сифатида намоён бўлади.

Умумлаштириб айтганда, табиат ва жамият муносабатларини билиш инсоният назарий фаолиятининг фундаментал муаммосидир. Бу муаммолар жамият тараққиётига мос равиша кун тартибига қўйилган, уларни ҳал қилиш инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, манфаатлари доирасида бажарилган. Ўз навбатида бу эҳтиёж ва манфаатлар табиат ва жамият муносабатларининг тарихий ривожланиш хусусиятларини белгилайди.

Инсоннинг экологик фаолиятини бошқариш жараёнида ижтимоий онг шаклларининг тизимли тузилмавий муштараклашувига қарамасдан, ҳар бири ўзига хос, нисбатан мустақил экологик функцияни бажаради. Шу жумладан, дин-ижтимоий онгнинг маҳсус шакли сифатида, «табиат- жамият-инсон» муносабатларини мувофиқлаштиришнинг воситаси бўлиб келган, яъни «инсоннинг табиатни ўзлаштириши бутун инсоният тарихига оид бўлиб, унинг экологик салбий оқибатларини ҳамма вақт эслатиб турган. ҳатто, ўзининг содда моддий базасига қарамасдан, ибтидоий жамоа даври ҳам бундан мустасно эмас».(5).

Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, бугунги кунда атроф-табиий муҳитнинг ҳолатини ҳамда экологик муаммоларнинг нақадар кескинлигини инобатга олсақ, ушбу соҳада ҳам таълим-тарбияни ривожлантириш мавжуд муаммолар ечимини топишда зарурлигини англашимиз мумкин. Ўсимликларга бўлган тарбия болаликданоқ сингдириб борилиши керак. Ёш авлоднинг соғлом ўсиб улғайиши ва ўзидан кейинги авлодга табиат гўзалликларини авайлаб-асраб етказиши учун уларга табиатни ва ундаги ўсимликларни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан тежамкорона фойдаланиш йўлларини ўргатиш, табиат билан боғлиқ ҳар қандай ишни амалга оширишдан олдин табиий муҳитга заар етказмайдиган усувларни танлаш лозимлигини ўргатишимиш зарур. Мактаб ёшигача бўлган болаларда табиатга ва ундаги ўсимликларга хурмат билан қараш, унга нисбатан эстетик ҳиссиётни уйғотиш тажрибалари, болаларнинг ёши, билим қўламини инобатга олган ҳолда, уларнинг тафаккурига етиб борадиган даражада табиат тўғрисида, ўсимликлар олами ҳақида, ҳайвонот дунёси борасида қизиқарли ва мароқли сухбатлар ўтказиш, ниҳоллар, сабзавот, гул намуналарини қандай ўтказиш, парваришлиш, борасида телевидениеда алоҳида маҳсус кўрсатувлар уюштирилиши ҳам ижобий натижалар беради. Катта ёшдаги кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам ёшлар учун ўрнак, сабоқ бўлиши табиий.

Айни дамда ёшларимизнинг экологик хуқукий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи экологик таълим-тарбия умумий таълим тизимининг ажralmas бўғини бўлиб, унинг асосий ғояларини ўзида мужассам этган.

Экологик маданиятни оширишда ҳозирги кунгача кўплаб амалий ишлар қилинди. Экологик таълим контсептсиясининг ишлаб чиқилиши, экологиядан давлат таълими стандартининг яратилиши, бир қанча дастурлар, тўпламлар чиқилгани, методик қўлланмаларнинг тайёрланганлиги, бир қатор республика миқёсида ўтазилган



анжуманлар шулар жумласидандир. Бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистонда янги ижтимоий ҳаракатлар қатори экология ва саломатлик ҳалқаро жамғарма "Экосан" ташкил этилди.

Бугунги кунда экологик маданиятни ошириш учун ўқитувчилар ва жамоатчилик томонидан олиб борилаётган ишлар мактаб ва академик лицей ўқувчиларига экологик тарбияни кечиктирмай сингдиришга ҳам эътибор қаратилиши лозим. Экологик тарбия самарадорлигини ошириш экологик таълимга боғлиқдир. Экологик таълимни кенг кўламда (боғча, мактаб, лицей, муассаса, кўча-кўй, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида) амалга ошириш зарурдир. Бу иш ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, келажак соғлом авлод учун кафолат беради. (4).



Дарахт экиш, қадимдан, Ўзбекистоннинг яхши миллий анъанаси бўлиб келган. Шундай экан, анъаналаримизга ва табиатга яқин бўлишга ҳаракат қиласайлик.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Тошмуҳаммедов Б.О, Нишонбоев К.Н, Ғофуров А.Т, Пратов Ў, Дадаев С, Толипова Ж. Академик лицейларнинг Табиий фанлар йўналишидаги тармоқ таълим стандарти ва чуқурлаштирилган фанлар ўқув дастурлари. Тошкент, 2005.Б.84.
2. Дўстходжаева Р.И., Экология фани бўйича Клиник фармация йўналиши 1 курс талабалари учун маъruzалар матни. Тошкент, 2006. Б.29.
3. Шералиев А.Ш., Исмаилов Х.Э, Ботаника (Академик лицейлар учун ўқув қўлланма) ТошДАУ Таҳририят нашриёт бўлими, Тошкент, 2015. Б.136.
4. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. Т.Ўқитувчи. 1996. Б.52
5. Абдукаримов А, Ғофуров А, Нишонбоев К, Ҳамидов Ж, Тошмуҳамедов Б, Эшонқулов О. Биология (Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик). Тошкент, 2011. Б. 232.